

А Ж Р И М

2025 йил февраль ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси “Муסיқа ва санъат” мактаби биносида бўлиб,

раислик қилувчи А.Исоков,

О.Шариповнинг котибалигида, Зарафшон шаҳар прокурори ёрдамчиси М.Мусаева ва маҳкум Ш.Курбоновнинг иштирокида, Зарафшон шаҳар ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳида жазо муддатини ўтаётган маҳкум Курбонов Шахобиддин Тошмаматовичнинг ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига кўра муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи томонидан киритилган тақдимнома ва тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқилди.

Маҳкум Курбонов Шахобиддин Тошмаматович (Kurbonov Shaxobiddin Toshmamatovich), 25.09.1974 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, Зарафшон шаҳар 6-кичик туман, 22-уй, 41-хонадонда яшайди.

Суд тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг фикрини тинглаб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Маҳкум Ш.Курбонов жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 16.04.2024 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Маҳкум Ш.Курбонов 01.05.2024 йил Зарафшон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи томонидан ҳисобга олинган.

Маҳкум Ш.Курбонов жазони ижро этиш инспекцияси ҳисобига олинганидан сўнг, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб қоидалари, такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаслик лозимлиги тўғрисида тушунтирилган. 13.06.2024 йил куни НКМК ДК МКБга ишга жойлаштирилиб, ушбу жойдан ҳозирги кунга қадар унинг ойлик иш ҳақидан суд ажрими билан тайинланган миқдор давлат даромади ҳисобига ундириб келинган.

Жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари томонидан маҳкум билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб турилган ва маҳкум жазони ўташ даврида



ўзини ижобий томондан кўрсатиб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, яшаш жойидан ижобий тавсифланган.

Маҳкум Ш.Курбонов суд ҳукми билан тайинланган 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1/3 қисмини, яъни 8 (саккиз) ой 5 кунни ўтаган ва ўталмай қолган жазо муддати 1 (бир) йил 3 (уч) ой 25 кунни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахс, жазо ўташ учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарса ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлса, қонунда белгиланган жазо муддатини ўтаганидан сўнг суд ўталмай қолган жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, томонларнинг фикрини эшитиб, маҳкумнинг шахсий йиғма жилди билан танишиб, маҳкум Ш.Курбоновни ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан, муддатидан илгари шартли равишда озод этиш тўғрисидаги Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи томонидан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Шунингдек, маҳкум Ш.Курбоновга ЖКнинг 73-моддаси 10-қисми қондасига кўра, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса суд унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва ЖПКнинг 536-моддасига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Курбонов Шахобиддин Тошмаматович (Kurbonov Shaxobiddin Toshmamatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум Ш.Курбоновга ЖКнинг 73-моддаси 10-қисми қондасига кўра, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса суд унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажрим ижро қилиш учун Зарафшон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳига юборилсин.

Суднинг ҳукмини, ажримини ва қарорларини ижро этиш чоғида юзага келган масалаларни ҳал қилиш тўғрисидаги ажрим суд томонидан ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради. Суднинг ажрими устидан ушбу Кодекснинг 499-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан кассация тартибида хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Исоков

